

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ  
ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ  
КУРСИДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

*ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА*

Тошкент – 2013

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*  
*Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

**Т у з у в ч и - м у а л л и ф л а р :**

**юридик фанлар номзоди, доцент М. З. Зиёдуллаев;**  
**Б. Б. Мусахожиев, Д. А. Алаутдинов, А. А. Хўжамуродов**

**Т а қ р и з ч и л а р :**

**Тошкент шаҳар ИИББ ЙҚХБ ЙПХБ**  
**1-дивизион командири подполковник Т.Э. Алимов;**  
**юридик фанлар номзоди, доцент Б.А. Саидов**

**И–96      Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги**  
**хизмати фаолияти курсидан масалалар тўплами: Ўқув-**  
**амалий қўлланма / Тузувчи-муаллифлар: М. З. Зиёдуллаев,**  
**Б. Б. Мусахожиев, Д. А. Алаутдинов, А. А. Хўжамуродов. –**  
**Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 36 б.**

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолияти» курси бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида тайёрланиб, унда ўқув курси дастурида белгиланган мавзуларга оид, ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимлари берилган.

**ББК67.99(5У)8я73**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ўзининг давлат тузумини, демократик ҳуқуқий жамиятини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, миллий мустақилликнинг янги мафкурасини, улуғ аждодларимизнинг бой тарихий мероси пойдевориغا асосланган давлат бошқаруви тузилмаларини шакллантириш йўлидан собитқадамлик билан олға бормоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий ўзгаришлар ҳаётга изчил жорий этила бошлади. Жумладан, автомобиль ишлаб чиқариш саноати йўлга қўйилди, йўл қурилиш соҳаси жадаллаштирилди, шунингдек чет эл давлатлари билан савдо алоқалари юқори даражага кўтарилди.

Бу ҳолат табиий равишда республика автомобиль йўлларида ҳаракат миқдорининг йилдан-йилга ортишига олиб келди. Ҳозирги ва истикболдаги асосий масалалардан бири автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдан иборат, яъни йўл-транспорт ҳодисалари, уларда ҳалок бўлувчилар ва тан жароҳати олувчилар сонини, кўриладиган умумий ижтимоий-иқтисодий зарарларни камайтиришга қаратилиши зарур. Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бугунги долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Афсуски, ушбу йўналишда амалга оширилаётган қатор чоратадбирларга қарамадан уларнинг миқдорини камайтиришга эришиб бўлмаяпти.

Дарҳақиқат, бу борадаги ишларнинг самарасини янада ошириш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғининг муҳофаза этилиши, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек, атроф-муҳитнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2013 йил 10 апрелда “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилинди.

Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг масъулиятини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида «Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолияти» йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларнинг билим

савиясини ҳамда малакасини янада оширишни тақозо этади. Шу мақсадда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида «Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолияти» йўналиши бўйича таълим олаётган курсантлар учун келгусида ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимларини ўз ичига олган ушбу ўқув-амалий қўлланма тайёрланди.

Ўқув-амалий қўлланма илк бор тайёрланганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Шу боис ўқув-амалий қўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

## **8-мавзу. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ ВА УЛАРГА РИОЯ ЭТМАГАН ШАХСЛАРГА МАЪМУРИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ**

**1-масала.** 2012 йилнинг 5 июнь куни фуқаро А. А. Акрамов ўз бошқарувидаги «Lacetti» русумли, давлат рақам белгиси 01 А 686 ВВ бўлган автомашинада Тошкент шаҳар Муқимий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётганида светофорнинг оғоҳлантирувчи сариқ чироғи ёнганда чорраҳадан ўтиб йўл ҳаракати қоидабини бузганлиги учун йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Н.Тўхтаев томонидан тўхтатилиб, қоидабузар билан суҳбат пайтида у инспекторга нисбатан қўпол муносабатда бўлиб инспекторнинг тушунтиришларини эшитмасдан, жанжал келтириб чиқаришга ҳаракат қилди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**2-масала.** 2012 йил 25 август куни Тошкент – Термиз М–39 автомобиль йўлида ҳайдовчи Амиров Абдуқайом Абдурайимович ўз бошқарувида бўлган «Spark» русумли, 01К505АА давлат рақамли транспорт воситасида ҳаракатланиб, юқори тезлик 70 км белгиланган жойда 140 км тезликда ҳаракатланиб келди. Йўл-патруль хизмати инспектори сержант Б. Отажонов тезликни «Визирь» аппаратида ўлчаб ҳайдовчини тўхтатди ва унинг ҳужжатларини текшираётган пайтда суғурта полисининг йўқлигини ҳам аниқлади.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**3-масала.** Тошкент шаҳар Фарход бозори чорраҳасида хизмат ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант О. Саидов чорраҳадан ўтаётган ялт-ялт этувчи кўк маёқчаси ёқилган ва махсус товуш мосламасини ишлатиб кетаётган ўт ўчирувчи автомобилнинг йўл ҳаракати қоидабини қўпол равишда бузганлигини ва бунинг натижасида авария ҳолатини келтириб чиқарганлигини аниқлади.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**4-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Ш. Болтаев Тошкент шаҳрининг серқатнов чорраҳаларидан бирида хизмат вазифасини ўтаётганида, пиёдаларнинг йўл ҳаракати қондасини айнан бир жойда кўпроқ бузаётганликларига эътибори тушди (масалан, пиёдалар рухсат этилмаган жойдан йўлни кесиб ўтишмоқда).

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**5-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори сержант А. Асқаров хизмат ўтаётганида йўналишда нотўғри ҳаракатланаётган автомобилни тўхтатди. Инспектор автомобилга яқинлашгач, ўнг томонда ўтирган йўловчи билан ҳайдовчи ўз ўринларини алмаштириб олганликларини сезиб қолди. Шу билан бир қаторда, йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчининг ўнг тарафида ўтирган йўловчининг маст ҳолатда эканлигига эътибор берди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**6-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори сержант Б. Валиев Тошкент шаҳар кичик ҳалқа йўлида патруллик қилаётганида ўрнатилган ҳаракатланиш тезлигини ошириб, қувиб ўтиш, манёвр қилиш қондасини бузган автомобилни тўхтатди. Ҳайдовчи ёнига яқинлашгач унинг гиёҳвандлик модда истеъмол қилиб, маст ҳолатда эканлигини сизди (кўзлари ялтираган, кўз қорачиғи кенгайган, баданининг кўринадиган жойларида укол излари, ҳаддан ошган безовталиқ, дори-дармон ва ҳ.к).

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**9-мавзу. ДАВЛАТ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ  
ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ САФ БЎЛИНМАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ**

**7-масала.** 2012 йил 15 май куни йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Ҳамроев Лохутий кўчасида хизмат олиб бораётган вақтда асосий йўлга чиқишдан олдин шу йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бермаган «Сартива» русумли, 01 А 707 ВА давлат рақамли транспорт воситаси ҳайдовчисини тўхтатди.

**Топшириқ.**

1. Ушбу ҳолатда «Captive» русумли автотранспорт ҳайдовчиси томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганми? Агар содир этилган бўлса, унга нисбатан МЖТКнинг қайси моддасига кўра чора кўрилади?

2. Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**8-масала.** 2012 йил 20 март куни йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Мавлонов кичик халқа йўлида ўз хизмат вазифасини ўтаётган вақтда «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади» йўл белгиси талабини бажармаган «Nexia» русумли, 80A171BB давлат рақамли автомобиль ҳайдовчисини тўхтатди. Ҳайдовчи эса бу белгини кўра олиш имконияти йўқлигини таъкидламоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**9-масала.** 2012 йил 15 декабрь куни йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант В. Сафаров патруль хизматини ўтаётган ҳудудда сирпанчиқ (яхмалак) ҳисобига йўл шароити ёмонлашганлигини аниқлади.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**10-мавзу. ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРАДИГАН ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**10-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори сержант А. Бўриев Тошкент шаҳрига киришдаги Эркин йўл-патруль хизмати масканида тунги хизматни ўтаётган пайтда, ҳаракатланаётган автомобиллардан биттасининг чироқлари нотўғри созланганлигини сезиб қолди ва уни тўхтатди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**11-масала.** Шаҳардан ташқаридаги, камқатновли йўлда патруль автомобилида хизмат ўтаётган йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант У. Нуруллаев белгиланган тезликни ошириб ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчисини тўхтатди ва ўзини таништириб ҳайдовчидан ҳужжатларини сўради. Ҳовликқан ҳайдовчи эса маст ҳолатда автомобилни бошқарганлигини ва ўрнатилган ҳаракатланиш тезлигини оширганлигини тан олди. Бундай ҳолатда ҳаракатланишининг сабаби эса, автомобиль салоида ўтирган ҳомиладор хотинининг тўлғоғи тутиб, уни туғруқхонага олиб боришнинг бошқа иложи бўлмаганлиги туфайли у ўз автомобилида олиб боришга мажбур бўлганлигини тушунтирмоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**12-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори сержант Ш. Оллаёров ўрнатилган ҳаракатланиш тезлигини оширган автомобилни тўхтатди, ҳайдовчида мастлик аломатлари сезилмади. Ҳайдовчи ва унинг ёнида ўтирган йўловчи кўрсатган ҳужжатлардан шу нарса маълум бўлдики, автомобилнинг эгаси ҳайдовчи ёнида ўтирган йўловчи экан. Айнан шу категориядаги автомобилни бошқариш ҳуқуқи ҳайдовчида йўқ. Йўловчи эса инспектор билан учрашишдан биров олдинроқ автомобилни ўзи бошқарганини, лекин тоби қочганлиги сабабли ёнидаги йўловчидан уни касалхонагача олиб боришини илтимос қилганлигини тушунтирмоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**13-масала.** Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳудудида хизмат ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Т. Шарипов светофорнинг қизил чироғига ҳаракатланиб чорраҳани кесиб ўтаётган автомобиль ҳайдовчисини тўхтатди. Автомобиль ҳайдовчиси йўл қоидасини оғир оилавий шароити туфайли бузганлигини ва отаси вафот этганлиги тўғрисидаги телеграммани кўрсатиб аэропортга шошиб кетаётганлигини айтди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.



## **11-мавзу. ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ШАХСИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ**

**14-масала.** 2012 йил 24 апрель куни йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант Ў. Рашидов навбатчиликка ажратилган патруллик вақти тугаб йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига патруль автомобилида кетаётган вақтда, қарама-қарши йўналишдаги автомобиль ҳайдовчиси уни тўхтатиб машинаси бузилиб қолганлиги ва машина ичидаги йўловчиси ўзини ёмон ҳис қилаётганлигини (ҳушидан кетган, нафас олиши қийинлашиб, юрак уриши секинлашган) айтди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**15-масала.** Йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант Р. Пармонов Тошкент кичик ҳалқа йўлида патруллик қилаётганида белгиланган ҳаракатланиш тезлигини оширган ва манёвр қилиш қоидасини бузган автомобиль ҳайдовчисини тўхтатиб, ўзини таништириб, ҳайдовчилик гувоҳномаларини текшираётган вақтида ҳайдовчининг жаҳли чиқиб, йўл-патруль хизмати инспекторига катта раҳбар (давлат органи, жамоат бошқармаси) нинг ташриф қоғозини тутқазди. Инспекторни тамагирликда айблаб, барча ҳаракатларингиз бефойда, керак бўлса сизга нисбатан чора кўришади, дея дўқ-пўписа қилмоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**16-масала.** Тошкент ҳалқа йўлида патруллик қилаётган йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Шарипов ўрнатилган ҳаракатланиш тезлигини оширган, ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш қоидасини бузган автомобиль ҳайдовчисини тўхтатди. Ҳайдовчида мастлик аломати сезилмади. Аммо ҳайдовчининг ҳайдовчилик ҳужжатларини текшираётган пайтида унинг жаҳли чиқиб, йўл-патруль хизмати инспекторини бекордан-бекорга хато ахтаришда айблаб, машина калити ва ҳужжатларини ташлаб, ушбу ҳаракатларининг фойдасиз эканлигини ва бунинг учун жавоб беришини айтди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**13-мавзу. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ  
ХОДИМЛАРИНИНГ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ СОДИР  
БЎЛГАН ЖОЙИДА АМАЛГА ОШИРАДИГАН АСОСИЙ  
ВАЗИФАЛАРИ**

**17-масала.** 2012 йил 10 январь куни тонг саҳар соат 5<sup>00</sup>да Тошкент шаҳар Сирғали туманидан ўтувчи айланма йўлда хизмат ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Султоновнинг ёнига йўловчи машина ҳайдовчиси тўхтаб машина бозорининг рўпарасида йўлнинг қатнов қисмида номаълум эркак кишини қонга беланиб ётганлиги ҳақидаги хабарни етказди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**18-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант В. Мустафоев Тошкент вилояти Ангрэн йўлида патрулик қилаётганида хавфли юк ташувчи тамғаси ўрнатилган автомобиль иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга етиб келди, юкнинг филофи бузилган. Ҳайдовчи ҳушидан кетган.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**19-масала.** Навбатчининг кўрсатмасига биноан, йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Р. Номозов йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга етиб келди. Тўқнашган автомобиллар ҳаракатланиш бўлагида ҳаракатланишга халақит бериб туришибди. Жабрланганлар йўқ, анчагина моддий зарар етказилган.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**20-масала.** 2012 йил 20 июнь куни Тошкент шаҳар Муқимий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган «Lacetti» русумли, давлат рақам белгиси 01R405 SA бўлган транспорт воситаси Ўзбекистон кўчасига бурилиш

вақтида ушбу кўчадан ҳаракатланиб келаётган «Nexia» русумли 01A203CM давлат рақамли транспорт воситаси билан тўқнашиб йўл-транспорт ҳодисаси содир этди. Ушбу йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойда транспорт воситаларининг тўқнашув нуқтасини аниқланг.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**21-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойга етиб келганда транспорт воситаларининг ҳодиса рўй бергунга қадар бўлган ҳаракатланиш йўналишини аниқлаш зарур. Ҳайдовчилар бир-бирига зид кўрсатмалар бермоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

#### **14-мавзу. ОЛИБ ҚОЧИЛГАН, ЎҒИРЛАНГАН ВА ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ СОДИР ЭТИБ ВОҚЕА ЖОЙИДАН ЯШИРИНГАН ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАКТИК АСОСЛАРИ**

**22-масала.** 2012 йил 26 июнь куни йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Худоёров Тошкент шаҳар кичик ҳалқа йўлида ўз хизмат вазифасини ўтаётганида унинг ёнига бир фуқаро келиб ҳозиргина машинасини номаълум шахслар ўғирлаб кетганлигини маълум қилди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

#### **15-мавзу. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЖАРАЁНИДА ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАКТИКАСИ**

**23-масала.** Сурхондарё вилояти Дарбанд йўл-патруль хизмати масканига йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант Ш. Назаров хизмат ўтаётган вақтда тўсатдан қуролли хужум бўлди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**24-масала.** Йўл-патруль хизмати катта инспектори сержант А. Бердиев патруль хизматини ўтаётган ҳудудда кутилмаганда ҳаракатланишга тўсқинликлар (ҳаракатланиш бўлагини сув босиши, ер кўчиши, йўл қатлами ва жиҳозларининг бузилиши ва бошқ.) пайдо бўлди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

### **17-мавзу. МАХСУС ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**25-масала.** Патруль автомобилида хизматни ўтаётган йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант А. Сувонов транспорт воситалари колонна (жамланма) бўлиб кетаётганида йўл-йўлакай йўналишда ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчиси уларга йўл бермаётганлигини сезиб қолди ва инспекторнинг ишорасига аҳамият бермасдан хавфсиз ҳаракатланишга таҳдид солмоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

### **18-мавзу. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ОММАВИЙ ТАРЗДА ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

**26-масала.** 2012 йил 25 сентябрь куни Тошкент кичик ҳалқа йўлида хизмат олиб бораётган йўл-патруль хизмати катта инспектори сержант О. Тўраевга унинг хизмат ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўлидан пахта йиғим-теримига ҳашарчиларни олиб кетаётган автобуслар колоннаси ўтиши тўғрисидаги маълумотни марказий диспетчерлик хизмати навбатчиси етказди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**27-масала.** 2012 йил 6 июль куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чилонзор Халқлар дўстлиги кўчасида тунги сменада патруллик

қилаётган йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант С. Болтаев ёритилмаган жойда чироқлари ёқилмаган, ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид соладиган «Matiz» русумли, 75A435CA давлат рақамли автомобиль турганлигини кўрди ва машина ҳайдовчисини топишнинг эса иложи бўлмади.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантикий кетма-кетликда айтиб беринг.

**28-масала.** Йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант С. Воҳидов шаҳардан ташқаридаги йўлда хизмат ўтаётган вақтда белгиланган йўналишдаги автобуснинг ҳаракатланиш ҳолати ва унинг ҳайдовчисига нисбатан шубҳа туғилди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантикий кетма-кетликда айтиб беринг.

### **19-мавзу. ЙЎЛ ВА ЧОРРАҲАЛАРДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ПИЁДАЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ҲАРАКАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАКТИКАСИ**

**29-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Д.Сафаров Тошкент шаҳар А.Темур ҳамда Ўзбекистон кўчаларининг кесишган чорраҳасида хизмат қилаётган вақтда тўхташ чизиғида ВАЗ 2106 русумли, 10A207CA давлат рақамли автомобилнинг жойидан қўзғала олмаётганлигини ва чорраҳадан ўтиш қобилияти кескин ёмонлашганлигини кўрди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантикий кетма-кетликда айтиб беринг.

**30-масала.** 2012 йил 18 май куни кеч соат 18<sup>00</sup>ларда тиғиз, сержантов, жадал ҳаракатланиш вақтида Тошкент шаҳар Ш. Руставелли кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган трамвай чорраҳадан ўтаётганида тўсатдан электр қувватларининг ўчганлиги сабабли, чорраҳадаги светофор ишламасдан, трамвай чорраҳа ўртасида тўхтаб, бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қилиб тирбандликни юзага келтирди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**31-масала.** Тунда патруль автомобилида хизматни ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Ҳайдаров йўлнинг ёритилмаган қатнов қисмида одамлар колоннаси (жамланмаси) ҳаракатланаётганини кўриб қолди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**20-мавзу. ДАВЛАТ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ  
ХИЗМАТИ МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ БЎЛИМИ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**32-масала.** 2012 йил 25 июнь куни фуқаро Садриддинов Алишер ЙҚХБга келиб, маъмурий амалиёт катта инспектори кичик сержант Д. Эргашевга уни ҳозиргина кўчада йўл-патруль хизмати инспектори тўхтатиб, асоссиз равишда ҳужжатларини олиб қўйиб, машинасини эса жарима майдонига олиб кириб қўйганлигини маълум қилди.

**Топшириқ.** Маъмурий амалиёт катта инспектори кичик сержант Д. Эргашевнинг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**24-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ  
ЙЎЛЛАРИДА ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИДА ҲАРАКАТЛАНИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ**

**33-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Р. Ҳайдаров патруль автомобилида чет эл фуқароларининг автомобиллари фақат ўтиб кетиши (транзит) ва ҳаракатланишига рухсат этилган ҳудудда патруль хизматини ўтаётган вақтда унинг йўналиши яқинида бўлган ҳарбий қисм ёнида «Т» серияли олти рақамли автомобиль анча вақтдан бери тўхтаб турганлиги тўғрисида маълумот олди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**34-масала.** Тошкент шаҳар Ўзбекистон кўчасида хизмат ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Жабборов «СМД» серияли, олти рақамли автомобиль ҳайдовчиси ўрнатилган ҳаракатланиш тезлигини оширганлигини аниқлади ва тўхтатди. Унинг ҳужжатлари текширилганда ҳайдовчи дипломатик дахлсизликка эга эканлиги аниқланди. Бироқ ҳайдовчи қоида бузганлигини тан олмаяпти.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**35-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Д. Бойқобилов «М» серияли, олти рақамли автомобилни тўхтатиб текширилганда, ҳайдовчининг маст ҳолда эканлигини сезиб қолди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**36-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Н. Тўхтаев Тошкент шаҳар Чилонзор метроси ёнидаги чорраҳада хизмат ўтаётган вақтда «Н» серияли, олти рақамли автомобилни ҳайдовчи «Тўхташ тақиқланган» тақиқловчи белги таъсир ҳудудида тўхтатганлигини кўриб қолди.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**37-масала.** Йўл-патруль хизмати катта инспектори кичик сержант А. Ашуров Тошкент шаҳар Ш. Руставелли кўчасида патрулик қилаётганида «D» серияли, олти рақамли автомобиль ҳайдовчиси чорраҳада ҳаракатланиш қоидасини бузди. Ҳужжатларни текшириш жараёнида инспектор дипломатик дахлсизликка эга бўлган ҳайдовчи маст ҳолатда эканлигини аниқлади.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**38-масала.** Светофорнинг қизил чироғида чорраҳага ҳаракатланиб кириб келган «D» серияли автомобиль тўқнашув содир этди. Иккала автомобилда ҳам тан жароҳати олганлар бор. «D» серияли автомобиль ҳайдовчиси йўловчилари тиббий ёрдамга муҳтож бўлсада ёрдамга келган ички ишлар идоралари ходимларига эшикларини очишни рад этмоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

**26-мавзу. АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ОҒИР ВАЗНЛИ,  
КАТТА ҲАЖМДАГИ ВА ХАВФЛИ ЮКЛАРНИ ТАШИШНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

**39-масала.** Йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Раҳмонов патруль автомобилида шаҳардан ташқаридаги йўлда хизмат ўтаётган вақтда, ўзи хизмат кўрсатадиган бир неча ўн километр узунликдаги йўлнинг бошланиш қисмида инспекторнинг ёнидан махсус кузатувчисиз катта ҳажмдаги юк ташувчи автомобиль ўтиб кетмоқда.

**Топшириқ.** Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.



## Ж А В О Б Л А Р

### 1-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– транспорт воситаси тўхтаганидан сўнг йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчи ёнига бориб ўзини таништиради ва ҳайдовчидан ўзига ҳамда транспорт воситасига тегишли ҳужжатларни тақдим этишини сўраб нима учун тўхтатганлигининг сабабини тушунтиради;

– ҳайдовчининг бу ҳолати унинг салбий оқибатлардан руҳий сақланиш тури эканлигига эътибор бериб, унинг хулқини инспекторга нисбатан ҳурматсизлик деб тушунмаслиги лозим;

– буни ўзаро шахсий муносабат (сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундай) эмас, балки дўстона ва эътиборли мулоқотни сақлаши лозим;

– руҳий зиддиятни сусайтириб, бунинг учун ҳайдовчининг диққатини ўзини тутиш ҳолатига эмас, балки йўл шароитига жалб этиши лозим;

– ҳайдовчини тушунишга ҳаракат қилиши лозим (масалан, «йўл шароити ҳақиқатан ҳам оғир, лекин сиз қуйидагича иш тутишингиз керак эди (қандай эканлигини тушунтиради)» ёки «йўл қўйган қоидабузарлигингиз жамоага катта хавф туғдирмади, лекин сиз йўл шароитининг ҳолатларини ҳисобга олмадингиз (етарли кўринмаслик ва ҳ.к.)»);

– ҳайдовчига инспектор ўз ҳаракатларини шахсий манфаат учун эмас, балки давлат органи ваколати номидан лавозимли шахс сифатида иш юритаётганлигини тушунтириши лозим;

– ҳайдовчига унинг қоидабузарлиги жамоа хавфсизлигига тўғри келмаслигини тушунтириб, унга тегишли тартибда чора қўллайди.

### 2-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчига белгиланган тезликдан юқори тезликда ҳаракатланиб йўл ҳаракати қоидасини бузганлигини тушунтиради ва тезлик ўлчаш аппаратида қайд этилган

тезликни ҳамда вақтини кўрсатади, шунингдек суғурта полисининг йўқлигини инобатга олиб транспорт воситасини жарима майдончасига қўйишини айтади;

– содир этилган қоидабузарлик юзасидан ҳайдовчига МЖТКнинг 294- моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, йўл ҳаракати қоидаларининг тегишли банди билан маъмурий баённома расмийлаштиради ва ушбу баённома билан ҳайдовчини таништиради;

– бу ҳақда марказий диспетчерлик хизматига ёки сафдаги бўлинма командирига радио алоқа воситаси орқали хабар беради ва ҳайдовчи билан биргаликда транспорт воситасини жарима майдончасига олиб боради;

– транспорт воситасини жарима майдонига қўйиб ҳайдовчи ҳамда жарима майдонига беркитилган масъул шахс иштирокида транспорт воситаси ва унинг салонини кўздан кечириб, бу ҳақда уч нусхада далолатнома расмийлаштиради;

– далолатноманинг бир нусхасини баённомага илова қилади, иккинчисини жарима майдонига беркитилган масъул шахсга, учинчисини эса ҳайдовчига беради.

### **3-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ўт ўчирувчи автомобиль давлат рақамини, ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолатни ҳамда вақти ва жойини ёзиб олиб, марказий диспетчерлик хизмати орқали унинг қидирувда эмаслигини аниқлайди;

– навбатчилик қисмига хабар бериб, хизмат тугагандан сўнг ҳолат юзасидан билдирги орқали ахборот беради.

*Эслатма:* бундай автомобиллар, қачонки уларнинг ўғирланганлиги, жиноий мақсадларда фойдаланилаётганлиги ёки ҳайдовчи маст ҳолатда бошқараётганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлгандагина тўхтатилади.

### **4-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– аниқланган жойда қоидабузарликларнинг олдини олиш учун ҳуштак ва жезл воситаси ёрдамида ҳаракат қатнашчилари устидан назоратни кучайтиради;

– қоидабузар пиёдаларга нисбатан маъмурий чоралар кўради;

– йўл ва кўчанинг ҳолати, ҳаракатни тартибга солувчи техник воситаларнинг носозлиги тўғрисидаги камчиликларни қайд этиш журналига ўзининг таклиф ва хулосаларини ёзиб, бу ҳақда сафдаги бўлинма командирига ахборот беради.

### **5-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– автомобиль рулида ўтирган «ҳайдовчига» ва ҳақиқатан ҳам, уни бошқарган ҳайдовчига уларни тўхтатиш сабабларини тушунтиради;

–автомобилни бошқараётган ва ҳақиқий ҳайдовчининг шу русумдаги транспорт воситасини бошқаришга рухсат берувчи ҳужжатларини текширади;

– «ҳақиқий» ҳайдовчига нисбатан маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарганлиги ва уни ноқонуний равишда бошқа шахсга бошқаришга берганлиги тўғрисидаги (агарда унда ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса) маълумотларини расмийлаштиради.

### **6-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчига ўзини таништириб, унга қилган хатосини айтади ва ҳайдовчилик ҳужжатларини, калитини олиб кўяди. Агар ҳайдовчи инспекторнинг ҳаракатларини безовталаниб, қизикқон ҳолатда қабул қилса, ўзини босиб олишга вақт бериш мақсадида унинг диққатини бошқа нарсага жалб қилади;

– йўл-патруль хизмати инспектори унинг гиёҳвандлик модда истеъмол қилганлигидан шубҳаланишини билдирмаслиги лозим. Шунинг ёрдамида тутиш керакки, гиёҳвандлик таъсирида бўлган одам бирданига агрессив ҳаракатлар қилиши ва ўзини шароитга нисбатан зид тутиши мумкин. Бирдан руҳий ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгариш бўлиши мумкин, бундай ҳолатда ҳайдовчи албатта тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолади;

– йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчиси ва ИИБга гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилганликда шубҳаланаётган ҳайдовчини тиббий кўриқдан ўтказиш учун тиббиёт муассасасига олиб бормоқчи эканлиги тўғрисида ахборот бериши лозим. Уни олиб бориш учун бошқа шахслар ёрдамидан фойдаланиш керак;

– қоидабузар ҳайдовчини олиб бориш учун йўл-патруль хизмати инспектори ўзининг патруль автомобилидан ёки бошқа транспорт воситасидан фойдаланиши лозим (бундай ҳолатда, қоидабузар ҳайдовчи автомобили махсус жарима майдонига ёки йўл-патруль хизмати масканига сақлаш учун келтирилади);

– инспектор қоидабузарни олиб кетаётганда ўзини ва уни олиб кетаётган ҳайдовчининг хавфсизлигини таъминловчи чораларни кўради. Унинг гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилганлиги тўғрисида маълумот берувчи ҳеч бир далилий ашёни йўқ қилишига йўл қўймаслиги лозим. Бунинг учун ҳайдовчини ўзининг ёнига ўтказиб, уни ҳар доим кузатиб, ҳазил аралаш ёки мажбур қилмаган ҳолатда чалғитувчи сўзлар билан овунтириб, жойлашган жойи тўғрисида тез-тез йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчисини хабардор қилиб туради;

– кўриқдан ўтказиш натижалари ҳақида йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчисига маълумот бериб, йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги тўғрисидаги керакли ҳужжатларни расмийлаштиради. Кейинчалик навбатчининг кўрсатмасига биноан иш тутиши лозим.

### **7-масаланинг жавоби:**

1. Ушбу ҳолатда «Сартива» русумли автотранспорт ҳайдовчиси томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган. Унга нисбатан МЖТКнинг 155-моддасига кўра чора кўрилади.

2. Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– транспорт воситаси тўхтаганидан сўнг йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчи ёнига бориб ўзини таништиради ва ҳайдовчидан ўзига ҳамда транспорт воситасига тегишли ҳужжатларни тақдим этишини сўраб нима учун тўхтатганлигининг сабабини тушунтиради;

– ҳайдовчига йўл қўйган қоидабузарлигининг ижтимоий хавфи ва бунинг натижасида оғир оқибатли йўл транспорт ҳодисаси келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида тушунтиради;

– йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимларини янада чуқурлаштириш лозимлигини тақлиф қилади ва белгиланган тартибда баённома расмийлаштиради.

### **8-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчи билан биргаликда белги ёнига бориб, ҳайдовчининг эътирози қанчалик асосланганлигини аниқлайди;

– агар ҳайдовчи билдирган эътирозлар тўғри бўлса, унда уни маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос йўқ (*Изоҳ: ЙПХ ходими хизмат ҳудудига келганида, йўл белгиларининг ҳолати, уларнинг тўғри ўрнатилганлигини текшириб чиқиши лозим*);

– амалда белгининг нотўғри ўрнатилганлиги ёки ўрнида йўқлиги аниқланса, марказий диспетчерлик хизмати навбатчисига тегишли чоралар кўриши учун маълумот бериши лозим;

– хизмат тугагандан кейин ушбу маълумотларни йўл-кўча ҳолатидаги камчиликлар, ҳаракатни тартибга солувчи техник воситаларнинг носозликларини ҳисобга олиш дафтарига ёзиб қўйиш лозим.

### **9-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– навбатчига вужудга келган вазият тўғрисида хабар бериб, йўл идоралари раҳбариятига яхмалакка қарши ишлов берувчи материаллар билан йўлга ишлов бериш зарурлиги тўғрисида билдиради;

– ҳаракатланиш иштирокчиларини вужудга келган хавфдан огоҳлантиради;

– ҳаракатланиш хавфсизлиги чораларини кўриб, транспорт воситалари ҳаракатланишини назорат қилади.

### **10-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчини тўхтатиб, ўзини таништирганидан сўнг унга йўл қўйган хатоларини тушунтиради;

– ҳайдовчининг бундай хатога йўл қўйиш сабабларини диққат билан эшитиб ва керак бўлган ҳолатларда, айти шу қоида бузилишига тааллуқли чорани белгилайди;

– ҳайдовчига автомобилни йўл-патруль хизмати маскани ёнига қўйишни ва носозликни бартараф этишни тавсия қилади.

### **11-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати инспекторининг биринчи вазифаси хомиладор аёлга ёрдам бериш, уни соғ-саломат тиббиёт масканига етказиш ва бу ҳақда йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчисига ахборот беради;

– йўловчи ёки патруль автомашинасида аёлни касалхонага етказиб, ҳайдовчини автомобилни бошқаришдан четлатиб, калит ва ҳужжатларини олиб қўяди;

– ҳайдовчига нисбатан маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги учун маъмурий баённома расмийлаштириб, автомобилни вақтинча сақлаш жойига жойлаштиради ва ҳайдовчига маъмурий иш кўриб чиқилиш жойи ҳамда тартиби бўйича тушунтириш беради.

### **12-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– суриштириш ва ҳаракатланиш йўналишини таққослаш орқали ҳақиқатан ҳам ҳайдовчи ва йўловчи касалхонага кетаётганлигини аниқлайди;

– ҳар қандай ҳолатда ҳам беморни касалхонага тезда элтиб қўйиш чораларини кўради;

– маълум бўлган шароитга асосан, қоидабузарга нисбатан тегишли чора қўллайди.

### **13-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчига қонун ва йўл ҳаракати қоидаларининг тегишли бандларига мувофиқ чора кўриши мумкин. Аммо бундай вазиятда ҳайдовчи билан профилактик суҳ-

батлашишнинг ўзи ҳам етарли. Агар ҳайдовчи кучли ҳаяжонланаётган бўлса, унга ўзини қўлга олиши ва руҳий тетикликка эришиши учун шароит яратиб, ҳамдардлик билдириб, ҳайдовчига янада эҳтиёткор бўлишни тавсия қилиш лозим.

#### **14-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўловчининг жисмоний ҳолатини аниқлаб, зарурат бўлса унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади;

– ЙХХБ навбатчисига содир бўлган воқеа ҳамда беморни зудлик билан касалхонага ётқизиш ҳақида ахборот беради;

– беморни тез тиббий ёрдам машинасида ёки патруль автомашинасида ў тиббиёт масканига етказиш чораларини кўради ва уни кузатиб боради. Жабрланувчини эҳтиёткорлик билан (тагига нарса солиш, касалнинг устини ёпиш ва ҳ.к.) касалхонага олиб борилишини таъминлайди. Беморнинг буюмларини сақлаш учун тиббиёт масканига топширади;

– тиббиёт масканидан бемор ва унинг буюмларининг қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат олади;

– автомобилнинг русуми, давлат рақам белгиси, ички қисмини диққат билан кўздан кечириб, ҳайдовчи, бемор, воқеа рўй берган шароитлар тўғрисидаги маълумотларни ёзиб олади;

– ЙХХБга келгач, бўлган воқеа тўғрисида навбатчига ахборот беради.

#### **15-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчининг ўз хатти-ҳаракатини тушунтиришга шароит яратиб, ўзини босиб олиши учун вақт беради;

– ташриф қоғозида кўрсатилган кишининг шахсига эътиборини жалб қилмасдан, ҳайдовчига йўл ҳаракати қондасини бузганлигини, унга нисбатан кўриладиган жазо чорасини ва хатти-ҳаракатига нисбатан шикоят қилиш тартибларини ётиғи билан тушунтиради;

– қоидабузарга нисбатан қонунда белгиланган тартибда баённома расмийлаштиради, агарда ҳайдовчи норози бўлиб имзо чекишдан бош

тортган тақдирда баённомани иккита холис иштирокида расмийлаштиради;

– қоидабузарга кетишга рухсат берганидан кейин зудлик билан содир этилган воқеа тўғрисида йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчисига хабар қилади;

– йўл-патруль хизмати бўлинмасига келгач, бўлинма командирига содир бўлган воқеа тўғрисида билдирги орқали ахборот беради.

### **16-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– зудлик билан воқеа тўғрисидаги маълумотни йўл-патруль хизмати сафдаги бўлинма командирига ёки марказий диспетчерлик хизмати навбатчисига етказди;

– ён-атрофдаги масканларга ва хизмат ўтаётган патруль гуруҳларига қоидабузар кетиб қолган машинани тўхтатиш тўғрисида хабар беради;

– қоидабузарлик ва бўлган ҳолат тўғрисида иккита холис иштирокида далолатнома тузади. Қолдириб кетилган транспорт воситасини холислар иштирокида кўздан кечириб, далолатнома тузиб, эвакуатор ёрдамида жарима майдонига олиб боради;

– йўл-патруль хизмати бўлинмасига келгач, содир бўлган ҳолат бўйича билдирги орқали далолатнома ва ҳайдовчининг ҳужжатларини навбатчига ёки сафдаги бўлинма командирига топширади.

### **17-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳодиса бўйича маълумотни бевосита хабар берувчидан олганда, йўл-патруль хизмати ходими хабар берувчини диққат билан тинглаш ва қуйидагиларни қайд қилиб олишга мажбур:

1) хабар берган шахснинг фамилияси, исми, шарифи, манзили ва телефон рақами;

2) хабар берган шахс келган транспорт воситасининг тури ва давлат рақами;

3) ҳодисанинг жойи, вақти, тури ва ҳолати;

4) жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида маълумот.



Олинган маълумот асосида йўл-патруль хизмати инспектори ҳодиса жойига етиб бориб, тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунга қадар қуйидагиларни бажаради:

– жабрланувчида тириклик аломатлари мавжуд бўлса, зудлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатади ва шифохонага юборилишини таъминлайди;

– жабрланувчиларнинг фамилияси, исми, шарифи ва яшаш жойини аниқлайди;

– ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва шунга алоқадор бошқа шахсларни аниқлайди, ўрнатилган тартибда ҳодиса иштирокчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўяди;

– тезкор-тергов гуруҳи келгунга қадар кўрсатилган шахсларнинг ҳодиса жойида бўлишини таъминлайди;

– ҳодиса гувоҳларини аниқлайди ва улар ҳақида маълумотлар ёзади;

– далилий ашёлар, излар, мол-мулк ва ҳодисага алоқадор бошқа нарсаларнинг сақланишини ва қайд қилиш чораларини кўради;

– ҳодиса жойига етиб келган тезкор-тергов гуруҳининг раҳбари (прокурор, терговчи, суриштирув олиб борувчи ходим)га, ҳодисага алоқадор шахслар ва гувоҳлар ҳақида маълумотлар бўйича ахборот беради, далилий ашёларни топширади ва унинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилади;

– зарурат бўлса транспорт воситаларининг ҳаракатини айланиб ўтишини ташкиллаштиради, бунинг иложи бўлмаганда, иккита холис ва ҳодиса иштирокчилари иштирокида транспорт воситалари, ҳодиса излари ва унга алоқадор бошқа нарсаларнинг жойлашган жойини ўрнатилган тартибда белгилайди, ундан кейин ҳаракатни тиклаш чораларини кўради.

### **18-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– транспорт воситасининг ахборот мундарижасига асосан, ахборот варақасида кўрсатилган фавқулодда қўлланиладиган чоралар ва юк турини аниқлаш лозим;

– навбатчига воқеа ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жой тўғрисида ахборот беради;

– атроф-муҳитни, ҳаракатланиш иштирокчиларини ва шахсий ҳимоялаш чора-тадбирларини кўради;

- шикастланганлар бўлса, уларга биринчи тибий ёрдам кўрсатиб ва уларни энг яқин шифохонага жўнатиш чораларини кўради;
- транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилади;
- хавфли нарсаларнинг оқар сувларга тушиши, атроф-муҳитни заҳарловчи моддалар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўради;
- тезкор гуруҳ келиши билан шароит тўғрисида ахборот беради ва гуруҳ раҳбарининг кўрсатмасига асосан ҳаракат қилади.

### **19-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

- йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларини аниқлайди;
- уларнинг ҳужжатларини сақлаб туради;
- гувоҳларни аниқлаш чораларини кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни тўплайди;
- чорраҳада тирбандликнинг олдини олиш ва транспорт воситаларининг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, ҳодиса иштирокчиси ҳамда икки гувоҳ иштирокида транспорт воситаларининг тўқнашув нуқтаси, ҳаракатланиш излари, тормоз йўлларини ва транспорт воситаси жойлашган жойларини белгилаб қўйиб, тўқнашган автомобилларни ҳаракатланиш бўлагидан четга чиқариб қўйиш лозим;

белгиланган нуқталар асосида холислар ва ҳодиса иштирокчилари билан биргаликда йўл-транспорт ҳодисаси чизмасини расмийлаштиради;

ҳайдовчиларнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида уларни тиббий кўрикдан ўтказиб ҳолат юзасидан иккала ҳайдовчига ҳам баённома расмийлаштирилади;

тезкор-тергов гуруҳ келиши заҳоти уларнинг раҳбарини олинган маълумотлар билан таништириб, дастлабки қилинган ҳужжатларни тақдим этади.

### **20-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- гувоҳлар, жабрланувчи ва ҳайдовчилар кўрсатмасига;

- транспорт воситаларининг жойлашуви, уларнинг узилиб тушган қисмларига;
- ифлос нарсалар, чанглар, ойна синиқларининг сочилган жойига;
- йўл қопламасининг шикастланиши ва ҳ.к.

### **21-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидагиларга эътибор бериши шарт:

- тўғри ёки ён сирпанишли тормозланиш изларининг бошланиши ва тугаш изларга;
- тўқнашув пайтида транспорт воситаларидан узилиб тушган бўлакларнинг йўл ўқиға нисбатан жойлашувига;
- транспорт воситаларининг шикастланиш хусусиятларига;
- автомобилнинг урилган қисмлар бўлакларининг ерда қолдирилган изи йўналишиға асосан;
- автомобилнинг ҳаракатланиш чизиғига нисбатан айланган ёки блокировка ҳолатида бўлган ғилдиракнинг жойлашувига кўра.

### **22-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалға оширади:

- тезда мурожаат қилган фуқаронинг исми шарифи, яшаш жойи ва унинг транспорт воситасининг русуми, тури, ранги, давлат рақам белгиси ҳақидаги маълумотларни олиб марказий диспетчерлик хизматиға хабар қилади;
- транспорт воситаси бўйича қўшимча маълумотларни, яъни (ойнаси қорайтирилган, бирор жойи шикастланган орқа ва олд пеш ойнасидаги алоҳида белгилари, ўриндиғидаги ғилофи ҳақидаги маълумотларни олиб транспорт воситасини ҳаракатланиш эҳтимоли бор йўналишдаги барча йўл-патруль хизмати ҳамда бошқа милиция нарядларини хабардор этади;
- агарда олиб қочилган транспорт воситасининг аниқ ҳаракатланаётган йўналиши маълум бўлса марказий диспетчерлик хизмати навбатчиси билан доимий алоқа қилган ҳолда транспорт воситасини таъқиб қилади.

### **23-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– дарҳол юзага келган вазият ҳақида алоқа воситалари орқали ИИОнинг навбатчилик қисмига ёки ЙҚХБ Ахборот диспетчерлик хизмати навбатчисига хабар қилади. Агарда алоқа воситалари ишламаётган бўлса ёки жиноятчилар томонидан узиб ташланган бўлса, йўловчи транспорт воситалари ҳайдовчилари орқали зудлик билан энг яқин жойдаги ИИОга хабар бериш учун юборилади;

– ўзига беркитилган табель куролини шай ҳолатда тутиб ўзининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, маскан ёки постга олиб келувчи автомобиль йўлларини беркитиш чораларини кўради.

– агарда фавқулодда ҳужум қоронғи вақтда содир этилганида маска ёки постдаги ёритиш мосламаларини дарҳол ўчиради ва бино атрофида қазилган траншеяга тушиб ҳужумни қайтаради.

### **24-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– транспорт воситаларининг ҳаракатланишига шароит мавжудлигини аниқлаб, ҳодиса рўй берган жойни тарк этмасдан тезкор вазият тўғрисида марказий диспетчерлик хизмати навбатчисига ахборот беради;

– тўсиқлар пайдо бўлган ҳолатларда транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш мақсадида тўсиқни айланиб ўтиш чораларини ташкил қилади;

– шикастланганлар бор бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатади ёки тиббий масканларга етказиш чораларини кўради.

### **25-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– хизмат транспортдан фойдаланиб, колоннанинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш мақсадида ҳаракатланиш бўлагини ҳосил қилиб, колоннанинг ҳаракатига хавф туғдирмасдан, овоз кучайтирувчи восита орқали ҳайдовчидан иложи борича йўлнинг ўнг томонида тўхташини талаб қилади;

– колонна ўтиб кетгандан сўнг ҳайдовчининг йўл ҳаракати қонундаги бузганлиги сабабларини аниқлаб қоидабузарга нисбатан маъмурий таъсир чораларини қўллайди.

### **26-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл ҳаракатини тартибга солади ва алоқа воситалари орқали қўл остидаги йўл-патруль хизмати инспекторларини огоҳлантириб уларнинг диққатини оширади;

– йўлнинг хавфли бўлакларига эътибор қаратади ва йўл чеккасида турган ёки қаровсиз қолдириб кетилган автомашиналар ҳамда транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатига тўсқинлик қилувчи бошқа нарсаларни йўлдан чеккага олдириш чорасини кўради;

– йўл шароитидаги барча ўзгаришлар ва метеорологик шароит бўйича барча маълумотларни марказий диспетчерлик хизмати навбатчисига хабар қилади;

– колонна яқинлашишидан олдин йўлдаги тирбандликни бартараф этади, чап томонга буриладиган ва ушбу йўналишдаги автомобилларни ўтказиб юборади;

– колоннанинг ҳаракатланишига рухсат берувчи ишорани беради, зарур ҳолларда бошқа транспорт воситаларининг тўхташини таъминлайди;

– пиёдаларнинг ўзини тутишини, сезилмас хавфни (турган автомобилнинг орқасидан, дарахтлар орасидан, автобус тўхташ жойидан бошқа транспорт воситаларининг чиқиб қолиши) ҳисобга олган ҳолда, атрофдаги шароитга эътибор қаратади;

– автобуслар колоннаси (сафи) ўтиб кетганидан сўнг пиёдалар ва транспорт воситалари ҳаракатланишига рухсат беради ва йўл ҳаракатини тартибга солади.

### **27-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳолат юзасидан марказий диспетчерлик хизмати навбатчисига ахборот бериб, мазкур автомобилнинг қидирувда эмаслигини аниқлайди, агар шундай маълумот бўлса тезкор-тергов гуруҳи келгунга

қадар шу жойда бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради, сўнг навбатчининг кўрсатмаларига биноан ҳаракат қилади;

– қаровсиз қолдирилган транспорт воситасини эвакуатор ёрдамида жарима майдончасига олиб бориб, икки холис иштирокида далолатнома тузиб, жарима майдонидаги масъул шахсга топширади ва ҳолат бўйича билдирги ёзиб, раҳбарга маълум қилади.

### **28-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– автобусни тўхтатиб, ҳайдовчига ўзини таништиради ва иккита ҳайдовчи бор-йўқлигига аниқлик киритиб, тўхтатиш сабабларини тушунтиради ва унинг ҳайдовчилик ҳужжатларини текширади. Шунингдек, ҳайдовчининг жисмоний ва руҳий ҳолатини баҳолайди. Агарда йўл-патруль хизмати инспекторининг шубҳаси тўғри чиқса, ҳайдовчидан автобусни йўлнинг чеккасига олиб, тўхтатиб қўйишини сўрайди;

– агар иккинчи ҳайдовчи бўлмаса, автобусдаги йўловчиларга бу ҳолатни тушунтиради ва иккинчи ҳайдовчининг бўлишини таъминлагандан сўнг автобуснинг ҳаракатига рухсат беради;

– агар ҳайдовчи тиббий ёрдамга ёки дам олишга мухтож бўлса, унга шароит яратади;

– агар ҳайдовчи маст ҳолда бўлса, унга қонунда белгиланган тартибда чора кўради.

### **29-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– хавфсизликни таъминлаган ҳолда ҳайдовчининг ёнига боради, ҳайдовчига машина орқасига огоҳлантирувчи белгисини ўрнатишни сўрайди;

– қолган транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш мақсадида носоз транспорт воситасини айланиб ўтиш шароитини яратади;

– имконият даражасида носоз автомобиль ҳайдовчисига ёрдам беради;

– агар юрғизгични ишлата олмаса, шу ёки ўткинчи автомобиль ҳайдовчиси билан биргаликда, автомобилни итариб (шатакка олиб) тўсиқлар кам жойга қўйиш чорасини кўради;

– бунда бошқа ҳаракатланаётган транспорт воситалари ҳайдовчиларига эҳтиёт чораларини кўриш учун жезл воситаси орқали огоҳлантириш белгиларини беради.

### **30-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– шахсан ёки марказий диспетчерлик хизмати навбатчиси ёрдамида, электр тармоғини тузатиш хизматини бўлган воқеадан хабардор қилиб носозликни бартараф этиш чорасини кўради;

– чорраҳадаги тирбандликни бартараф этиш ҳамда транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш мақсадида жезл воситаси ёрдамида ишоралар орқали транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солади;

– техник носозлик бартараф этилгунга қадар транспорт воситаларининг бошқа айланма йўналишлар бўйича ҳаракатини ташкил қилади ва бу ҳақда марказий диспетчерлик хизмати навбатчисига ахборот беради.

### **31-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– жамланманинг олди чап томонидан оқ, орқа чап томонидан қизил рангли чироқ кўтарган кузатувчилар бўлишини талаб қилади;

– керак бўлса, йўл чеккасининг кенглиги, ҳаракатланиш бўлаги ёки йўлнинг бошқа кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, ҳаракатланиш тартибини ёки колонна қаторларини ўзгартиради;

– агарда яқинда (параллел) жойлашган пиёдалар йўлакчаси мавжуд бўлса, колонна ҳаракатини шу йўлдан давом эттиришга йўналтиради.

### **32-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда маъмурий амалиёт катта инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– биринчи навбатда инспектор келган фуқарони тинчлантириб, унинг фамилияси ва исмини сўраб, бўлиб ўтган воқеани ётиғи билан шошилмасдан тушунтириб беришини сўрайди;

– агарда фуқаронинг айтган гапларида унга нисбатан ишончсизлик сезилса, унга ҳар бир қоидабузарлик қонун асосида тартибга солиниши ва йўл-патруль хизмати инспекторлари қилган ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракати ҳамда расмийлаштирган ҳужжати учун қонун олдида жавоб бериши ҳақида тушунтиради;

– йўл-патруль хизмати инспекторининг хатти-ҳаракатларида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмаса, фуқарога нисбатан қонунда белгиланган тартибда маъмурий чора қўлланилишини тушунтиради;

– ушбу мурожаат қилган шахсга нисбатан баённома расмийлаштирган йўл-патруль хизмати инспектори ҳужжатларни топширганидан сўнг унинг ҳужжатларида меъёрий ҳужжатларга зид ҳаракатларни аниқласа, ушбу ҳолат юзасидан ЙҚХБ бошлиғига билдирги орқали мурожаат этиб, йўл-патруль хизмати инспекторига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилади.

### **33-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати инспектори хорижий автомобиль турган жойга етиб бориб белгиланган тартибда ўзини таништиради;

– ҳайдовчининг ҳужжатларини текшириш давомида ундан нима учун бу ерда турганлигини аниқлайди;

– сафдаги бўлинма командирига воқеа тўғрисида хабар бериб, унинг кўрсатмалари асосида иш юритади ҳамда йўл-патруль хизмати бўлинмасига келганидан кейин ҳолат юзасидан билдирги орқали навбатчига ахборот беради;

– агар тўхташ (тўхтаб туриш) техник носозлик, ёқилғи тугаганлиги сабабли аниқланса, автомобилни техник хизмат кўрсатиш жойи, ёқилғи қуйиш шохобчаси ёки чет эл фуқаролари автомобиллари тўхташи тақиқланган ҳудуддан ташқарига олиб қуйиш чораларини кўради. Ўз ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотни йўл-патруль хизмати сафдаги бўлинма командирига етказди.



### **34-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати инспектори қонидани бузган ҳайдовчини тўхтатиб ўзини таништиради ва нима сабабдан тўхтатганлигини тушунтиради;

– ҳайдовчига нисбатан йўл ҳаракати қонидаси бузилганлиги тўғрисида баённома тузади;

– ҳайдовчига ҳужжатларини қайтариб бериб, ҳаракатини давом эттиришини таклиф қилади;

– воқеадан навбатчини хабардор этади;

– баённомани хизмат тугаганидан сўнг йўл-патруль хизмати саф бўлинмаси командирига топшириб, йўл-патруль хизмати бўлинмасига келганидан кейин ҳолат юзасидан билдирги орқали навбатчига ахборот беради;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросига хос ғурур ва кадр-қимматини сақлаган ҳолда мулойим ва хушмуомала мулоқотда бўлиб, чет эл фуқароси олдида ортиқча хушомадгўйлик қилмаслиги лозим.

### **35-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчини автомобилни бошқаришдан четлатади;

– ҳайдовчининг мастлигини умумий қоидаларга асосан, тиббиёт муассасасида аниқлаб, баённома расмийлаштиради. Агар ҳайдовчи текширув ўтказишдан бош тортса, икки гувоҳ ёрдамида далолатнома тузиб, унда текширувдан ўтишга кўрсатган қаршилик сабабларини қайд этади;

– ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қолади ва бу ҳақда баённомада кўрсатади;

– иш кўриб чиқилгунга қадар транспорт воситасини бошқаришда, унга ёнида талон билан бирга шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб юриши кераклигини тушунтиради;

– зарур бўлган ҳолларда транспорт воситасини (ўрнатилган тартибда расмий ҳужжат тузиб) жарима майдонига олиб бориб навбатчига сақлаш учун топширади. Ҳайдовчининг розилиги билан унинг ёнидаги йўловчи, агар унда шу русумли автомобилни

бошқариш учун рухсат берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бор бўлса, автомобилни бошқариб кетиши мумкин;

– ҳайдовчилик гувоҳномаси билан бирга баённомани бўлинма командирига топширади.

### **36-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчи ёнига бориб ўзини таништиради ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини текширади;

– ҳайдовчига қонидани бузганлигини тушунтиради ва ундан бунинг сабабларини аниқлайди;

– ҳайдовчига нисбатан қоидабузарлиги бўйича умумий тартибда маъмурий баённома расмийлаштиради;

– хизмат тугаганидан кейин баённомани саф бўлинмаси командирига топширади.

### **37-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатади;

– ҳайдовчига унинг мастлигини текшириш учун тиббиёт муассасасига бориш кераклигини тушунтиради;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида баённома тузади;

– ҳайдовчи мастлигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортса, икки гувоҳ иштирокида буни баённомада қайд қилади;

– ҳайдовчига ҳужжатларини қайтариб беради;

– навбатчига воқеа тўғрисида ахборот беради;

– дипломатик ваколатхона ходимини чақириш чораларини кўради. Агар автомобилни бошқарадиган ҳеч ким бўлмаса, ҳайдовчига такси ёки белгиланган йўналишли транспорт воситасида манзилга етиб олишни таклиф қилади. Автомобиль бошқа транспортларнинг ҳаракатланишига халақит берса, яқин орадаги пуллик тўхтаб туриш жойига ёки йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчилик қисмига олиб боради. Автомобилни сақлашга қабул қилганлиги тўғрисида ҳайдовчи иштирокида далолатнома тузади;

– хизмат тугаганидан кейин баённомани саф бўлинмаси ко-мандирига топширади.

### **38-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– бундай вазиятда йўл-патруль хизмати инспектори зудлик билан тез тиббий ёрдам чақиртиради;

– бўлган воқеа ҳақида навбатчига хабар бериб, тезкор гуруҳнинг видеокамера билан келишларини сўрайди;

– икки кишидан кам бўлмаган гувоҳлар олдида ҳайдовчи эшикларини очмасдан, барча турдаги ёрдам, шу жумладан тиббий ёрдамни рад этаётганлигини расмийлаштиради;

– воқеа гувоҳларидан гувоҳлик кўргазмалари олиб, тезкор оператив навбатчи гуруҳи келгунига қадар кетиб қолмасликларини таъминлайди;

– вазиятни доимо кузатиб бориб, навбатчилик қисмининг оператив гуруҳи етиб келгач, уларнинг кўрсатмасига асосан иш тутиш лозим.

*Эслатма:* тан жароҳати олганларга ёрдам кўрсатаман, ҳайдовчидан кўргазма оламан, деб ойнани синдириш, эшикни очиш халқаро ҳуқуқ нормаларига зид ҳаракатдир.

### **39-масаланинг жавоби:**

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати бўлинмаси навбатчисига рўй берган ҳолат тўғрисида маълумот беради;

– навбатчининг кўрсатмаси бўлмагунча, автомобилнинг ҳаракатланишига рухсат бермайди. Ҳайдовчига йўл қисмидан ташқарида тўхташ жойини кўрсатиб, унга нисбатан қоидабузарлиги юзасидан маъмурий баённома расмийлаштиради;

– навбатчилик қисмидан рухсат олганидан кейин белгиланган тартибда, вақти-вақти билан навбатчига ўзи жойлашган жойни маълум қилган ҳолда автомобилни кузатиб кўяди.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
8-мавзу. Йўл ҳаракати қоидалари ва уларга риоя этмаган шахсларга маъмурий таъсир чораларини қўллаш асослари.....	5
9-мавзу. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл-патруль хизмати саф бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш асослари .....	6
10-мавзу. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати иштирокчилари билан олиб борадиган профилактик ишларининг асосий йўналишлари .....	7
11-мавзу. Йўлларда ҳаракатни назорат қилишда йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳуқуқлари ва транспорт воситаларини кўздан кечиришда шахсий хавфсизликни таъминлаш асослари .....	9
13-мавзу. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойида амалга оширадиган асосий вазифалари.....	10
14-мавзу. Олиб қочилган, ўғирланган ва йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб воқеа жойидан яширинган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини қидирув ишларини ташкил этишнинг тактик асослари .....	11
15-мавзу. Фавқулодда вазиятлар ва оммавий тадбирлар жараёнида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тактикаси.....	11
17-мавзу. Махсус транспорт воситаларининг турлари ва фойдаланишнинг ўзига хослиги.....	12
18-мавзу. Транспорт воситаларида оммавий тарзда йўловчиларни ташишни ташкил этишда хавфсизлик чоралари ва уларга қўйилган талаблар .	12
19-мавзу. Йўл ва чорраҳаларда транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш тактикаси.....	13
20-мавзу. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт бўлими фаолиятининг ҳуқуқий асослари .....	14
24-мавзу. Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида хорижий фуқароларнинг транспорт воситаларида ҳаракатланиш тартиб-қоидалари .....	14
26-мавзу. Автомобиль транспортида оғир вазнли, катта ҳажмдаги ва хавфли юкларни ташишни назорат қилиш қоидалари.....	16
Ж А В О Б Л А Р .....	17

**ЗИЁДУЛЛАЕВ Музаффар Зиёдуллаевич,**  
юримдик фанлар номзоди, доцент;  
**МУСАХОЖИЕВ Бахром Баходир ўғли;**  
**АЛАУТДИНОВ Дилмурод Алаутдин ўғли;**  
**ХЎЖАМУРОДОВ Акбаржон Абдурашидович**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ  
ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ  
КУРСИДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

*ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА*

**Мухаррир Б. Қ. Эргашев**  
**Техник мухаррир М. Р. Исаметова**

---

Босишга рухсат этилди 05.06.2013. Нашриёт-ҳисоб табағи 2,2.  
Адади 50 нусха. Буюртма № 77.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.